



**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА
АЛ-БУХОРИЙ ХАДИСЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

С.Махмудов

ЖДПУ стажёр ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7339029>

ARTICLE INFO

Received: 08th November 2022

Accepted: 15th November 2022

Online: 19th November 2022

KEY WORDS

Глобаллашув, таҳдид,
жараён, барқарорлик,
мафкур, қадрият, хадис,
тарбия жараёни, миллий
қадриятлар.

Мустақил юртимизни ҳимоя қиладиган келгусида юрт қайғуси, Ватан осойишталиги, Ватан равнақи ва келажаги буюк давлатнинг келгусидаги тақдирини ҳал этадиганлар булар албатта келажак авлодлардир. Шу боис ёшларимизни илмий дунёқараши бой, фаол, фидойи, синчиков, мустаҳкам ирода эгаси этиб тарбиялашдек машаққатли ва шарафли вазифа ўқитувчилар зиммасига тушади.. Айниқса педагогик психология фанларини ўқитишда ўрганиладиган миллий ва умуминсоний қадриятлар баркамол авлод шахсини унинг ахлоқий маданиятини шакллантириши билан бирга ёт ғояларга қарши курашишга чақиради. Ҳозирги кунда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устивор йўналиши қилиб белгиланган.

Замон тараққиётига мос ривожланиш, яъни ҳозирги даврнинг шиддаткор ва

ABSTRACT

Ушбу мақолада ёшларни миллий қадриятлар асосида юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда ал-Бухорий хадисларининг аҳамияти хадисларидан фойдаланиш масалаларига боғлаб ёритилган.

шаҳдам одимлари мунтазам равишда юксалишда бўлиб, олдимизга масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Айниқса, илм-фан ва техника-технологияларнинг ривожланиб бориши, баркамол авлод шахси дунёқарашини юксалтиришга чорламоқда. Инсоният пайдо бўлибдики, унда яшовчи онгли инсонлар тинч ва фаровон, бахтли-саодатли, сиҳат-саломатли умр кечиришни орзу қилади.

Демак, бахтли, маънан ва жисмонан соғлом ҳаёт кечириш инсон умрининг мазмунини белгилайди.

Умуман олганда, инсонни камолот пиллапояларига ва ундаги соғлом – маънавий турмуш тарзига тайёрлаш учун уни маънавий-ахлоқий жиҳатдан жамият тараққиёти асосида тарбиялаш лозим бўлади, чунки, тўғри тарбия натижасидагина инсонлар ўз



бахтларини топиш имкониятига эга бўлади.

Бизга маълумки, киши тарбияси масаласи инсоният пайдо бўлганидан бошлаб долзарб муаммо бўлиб келмоқда ва тарбияда «уфқ» комиллик сари йўналтирилган бўлади. Шу сабабли ҳам жамият тараққиётини юртимизнинг соғлом болаларибелгилайди. Баркамол авлод ва соғлом бола тарбиясида бой ўтмиш маънавий меросимиз мавжуд. Тарбия масаласи билан кишиларнинг баркамол бўлиб етишишлари учун, улуғ бобокалонларимиз ҳам доимо шуғулланиб келган. тарбия масаласи билан улуғ бобокалонларимиз доимо шуғулланиб келган. Улар Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Имом ал-Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб ва ҳоказолар. Бу борада Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри», «Фазилат, бахт ва камолат ҳақида» ва шу каби асарлари бугунги ёшларимиз тарбиясида ҳам ниҳоятда ибратлидир. Қайд этилган асарларнинг асосий мазмунини тарбия воситалари, шакллари ва шу кабилар ташкил этади.

Тарбия ўзи нима, деган саволга Фаробийдан қуйидагича кетма-кетликдаги жавобни топиш мумкин:

- «Камолот» - бу яратган Аллоҳнинг борлигини онгли равишда сезиш ва ундан воқиф бўлиш»;
- «Камолатга элтувчи йўл – гўзал фазилатли ва хайрли (яхши) ишларни ички хоҳиш ва истак билан такрорлаш, уларга мунтазам амал қилиш»;
- «Бахт – ахлоқий фазилатларни ўзлаштириш натижаси»;

- «Бахт белгиси – руҳнинг лаззат олиши ва яратганни севиш»;

- «Камолат натижаси – абадийликка эга бўлиш». [10].

Турли ёш ва ҳар хил жинсдаги бола ривожланиши, дунёқараши ахлоқий ва жисмоний камол топишига ижобий таъсир қиладиган омил ҳамда шарт-шароитларини билиш ва улардан унумли фойдаланиш шахс камолотида муҳим асос бўлиб ҳисобланади. Маълумки, инсон ўз ҳаёти давомида ўзидан олдин ўтган кишиларнинг турмуш тажрибасига (тарзига), тўпланган билим, кўникма ва малакаларига, яъни қадриятларига таянади. Шу сабабли ҳам дунёқараш айниқса илмий дунёқараш кишиларнинг ахлоқ меъёрлари, ҳаётни яхшилаш борасидаги онгли интилишлари, қизиқишлари меҳнат фаолиятига ва турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатиб, улар ҳаётида катта амалий маъно (мазмун) касб этади. Буюк боболаримизнинг ўлмас мероси бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясида ва айниқса уларнинг миллий дунёқараши кенгайишида битмас-туганмас хазинадир. Уларни ибрат-намуна қилиб кўрсатиш орқали ёшлар онгида қуйидаги инсонпарварлик фазилатлари янада юксалади: - мардлик; - ботирлик; - паҳлавонлик; - меҳнатсеварлик; - катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлишлик; - дўстлик ва муҳаббат туйғуларига садоқатли бўлишлик ва шу кабилар.

Демак, инсон камолоти ва унинг юксалишида ёшларимиз маънавий тарбияси ва илмий дунёқараши кенглиги, ибрат-намуна муҳим роль ўйнар экан. Шу сабабли ҳам бугунги



ёшларимиз дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда улар онгига миллат, Она тупроқ, Она Ватан, халқ ва унинг тарихий илдизлари асосидаги бой миллий-маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни таълим-тарбиянинг барча жабҳаларида сингдириб боришимиз лозим.

Демак, миллий хусусиятларимизга мос тарбияни олган ва олаётган ёшларимиз мунтазам равишда камол топиб бораверади ҳамда уларнинг дунёқараши ҳам унга мос равишда юксалиб боради.

Шу сабабли ҳам ушбу ишда ёшларимизни тарбиялашда ва уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда шахс ижодий камолоти босқичлари ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнида ибрат-намуна сифатида фойдаланишга тавсиялар бериш ҳақидаги маълумотларни ёритишни мақсад қилиб олдик.

Бу борада Инсонийлик, инсонпарварлик Ватанга муҳаббат ҳақида тарбия бериши билан “тарбия психологияси”ни ўганишда талабаларда эзгулик ва гўзаллик туйғуларини мужассамлаштиради. “Тарбия психологияси” мавзусини илм-фанда “Ҳадис илмининг амири” деб бир овоздан тан олинган Имом Исроил ал Бухорий ҳадислари меҳр-оқибат, саҳийлик, ота-она ва катталарга омад, етим-есирларга мурувват, Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, турли халқларнинг ўзаро дўст, тинч-тотув яшашлари каби инсоний фазилатлари баркамол авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўғитлар ўз ифодасини топган. Ҳадиснавислар ичида Имом Исмоил ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти

диққатга сазовордир. Бу зот жуда кўп мамлакатларни кезиб, олиму фузалолар билан ўзаро алоқада бўлган, кўплаб манбаларни ўрганиб, 600 мингдан ортиқ ҳадис тўплаган.

Имом Исроил Бухорийнинг мусулмонлар учун Қуръони каримдан кейинги мақомда ҳмсобланган “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асари араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Имом Исроил Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари) “Китоб асмоъ ис-сихота” (саҳобалар ҳақида китоб) “Китоб афъал их-ибод” (бандаларнинг қилмишлари ҳақида китоб), “Тарихи Бухоро” (Бухоро тарихи), “Ал Жомий ас-саҳиҳ (Ишончли тўплам), каби кўплаб ахлоқ-одобга оид асарлари мавжуддир. Имом Бухорий “Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик-мана шу тўрт хислатни Аллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир” , - деб ёзади.

Имом Исроил Бухорийнинг “ҳаром нарсалардан сақланинг- одамлар ичида иборатли бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг-саломат юрасиз”. “Мен ҳазрати Ойша ҳузурларига кирдим. Шунда у зот менга: озгина сабр эт, мен лунгимни тикиб олай,- дедилар. Мен ул зотга агар бу воқеани чиқиб одамларга гапирсам улар сизни албатта бахил деб ҳисоблашади, дедим. Ойша: “Майли, ўзинг биласан. Эски кийим киймайдиган кишида янги кийим бўлмайди”, ёки “Ҳақиқий мўминнинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мўминлар озор топмай-дилар” каби ҳадисларида одамларнинг бир-бирига бўлган меҳри, фарзанднинг ота-онасига



муҳббати, шогирдларнинг устозларига ҳурмати, инсонларнинг ўз ғоялари мусулмон дини аҳкомларига садоқати, мўминларнинг мўминларга шафқати, фозилларнинг фозилларга заковати ҳақидаги фикрлари бугунги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.¹

Баркамол авлодни тарбиялаш педагоглардан алоҳида эътиборни талаб қилади. Баркамол авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида халқимиз томонидан, уларнинг миллий урф-одатларидан, анъаналаридан тажрибалар халқ томонидан яратилган ижод намуналаридан ва илмий амалий асарлари ва қолдирган бой меросларида ўз ифодасини топган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки илм –фанда ҳадис илмининг амири деб тан олинган Имом Исроил Ал-Бухорий ҳадислари кўп ақл дурдоналарини ёшлар томонидан янада кўпроқ ўзлаштирилиши бугунги мустақил Ўзбекистон эҳтиёжларига мос келиб ахлоқий фазилатларни ўрганиш яъни педагогик психология фанларини ўқитишда ёшларда ажойиб ички кечинмалар, ҳис-туйғулар уйғотади. Хуллас Имом Исроил ал-Бухорий ҳадислари ёшларни меҳнатсеварлик ва эрксеварлик, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам мустаҳкам ирода, вазминлик билан иш тутиш ва омилкорлик, келажакка, инсонга доир удум ва анъаналар руҳида шунингдек шахс илмий дунёқарашини шакллантиришга катта имконият беради.

Имом ал-Бухорий ҳадислари ўз Ватанини севувчи унинг равнақи ва истиқболи учун фидойий ёшларимиз, баркамол авлод учун албатта

даструламал бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Бу борада талабалар баркамол авлод ва кўп омилли шахснинг асосий таркиблари ва фарқларига таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлди.

Психология тарихи фанларидан таълим-тарбия бериш орқали қомусий олимлар, донишманд, файласуфлар ижоди ва фаолиятдан фойдаланиш, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, ҳадис илми соҳибларини ибрат-намуна қилиб кўрсатиш ижобий педагогик самараларни беради;

– талабалар онгига шахс ижодий камолоти босқичларини илмий, маънавий қадрият сифатида сингдириш, уларни ижодий камолот сари интилишига туртки бўлади ва натижада улар ижтимоий фаол шахс бўлишга интилади, олимликни ва комилликни ҳавас қилади.

Демак, дунёқарашнинг юқорида қайд этилган кўринишлари, инсон камолоти босқичлари ва уларга мос бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни тайёрлашда фойдаланишда ҳамда давлат таълим стандартларини давр талабига мос такомиллаштиришда мустаҳкам маънавий-маърифий асос бўлади. Шунингдек, инсон камолоти босқичлари ва уларга мос дунёқарашлардан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашдаги таълим-тарбия жараёнида мунтазам фойдаланиб борилиши натижасида маънавий етук, эркин ва мустақил фикрлайдиган, «XXI аср – интеллектуал аср»нинг фаол иштирокчиси бўлган мутахассис тайёрлашга эришилади.

¹Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрид
Тош:Ўзб.1990,94-бет.



Хулоса қилиб, шуни айтиш лозимки,
Ҳадиснавис Имом ал-Бухорий ўз
ҳадисларида илгари сурилган ғоялар
маънавий қадриятларимизга бўлган

янгича муносабатнинг камол
топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

References:

- 1.Имом Исмоил ал-Бухорий.Ал-Адаб ал-мфрид Тош:Ўзб.1990,94-бет.
- 2.Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – 134 б.
- 3.Shirin Kamolova, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании
- 4.Shirin Kamolova, АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
- 5.Po'latova, N. (2022). ОТМ ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ . Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5113>
- 6.Nazira Po'latova, ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ КАК ФАКТОР ДУХОВНОГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
- 7.Nazira Po'latova, ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИБН СИНО ИЛМИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании
- 8.Mamaraimova, R. (2022). ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5112>